

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТОНОВ КОМОЛИТДИН САДРИДДИНОВИЧ**

**УЗУМНИНГ ЮҚОРИ СИФАТЛИ СЕРТИФИКАТЛАНГАН  
КЎЧАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ ИЛМИЙ  
АСОСЛАРИ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)  
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Султонов Комолитдин Садриддинович**

Узумнинг юқори сифатли сертификатланган кўчатларини ишлаб чиқариш  
тизимининг илмий асослари..... 5

**Султонов Комолитдин Садриддинович**

Научные основы системы производства сертифицированного посадочного  
материала винограда высших категорий качества..... 27

**Sultonov Komolitdin**

Scientific basics of manufacturing system of certified high quality grape planting  
stock..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТОНОВ КОМОЛИТДИН САДРИДДИНОВИЧ**

**УЗУМНИНГ ЮҚОРИ СИФАТЛИ СЕРТИФИКАТЛАНГАН  
КЎЧАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ ИЛМИЙ  
АСОСЛАРИ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Qx38 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Буриев Хасан Чутбаевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кайимов Абдухалил**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Кожаметов Советбек**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Хўжамшукуров Нортोजи Абдухаликович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,  
узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 201\_\_ йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535223-рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Тел.: 260-50-43).

Диссертация автореферати 201\_\_ йил \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(201\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик.

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., доцент.

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

## КИРИШ (фан доктори (Dsc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида саноат узумчилигини ривожлантириш ва шароб маҳсулотлари ҳамда кишмиш ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ялпи узум етиштириш ҳажми бўйича сўнгги йилларда Хитой (14842,680 минг тонна), Италия (8241,914 минг тонна), АҚШ (7097,723 минг тонна) ва Франция (6247,034 минг тонна) етакчилик қилмоқда. Ушбу давлатларда етиштирилаётган узумнинг қарийб 65-70% қисми шаробчилик саноати учун хом ашё сифатида етказиб берилади. Ҳар йили Хитой давлатида 18,9 млн. гектолитр, Италияда 48,9 млн. гектолитр, АҚШда 22,1 млн. гектолитр ва Францияда 47,4 млн. гектолитргача шароб ишлаб чиқарилади<sup>1</sup>. Бундай ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарини хом ашё билан таъминловчи саноат токзорларининг маҳсулдорлигини кўтариш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун узумчилик соҳасига илғор инновацион технологияларни жорий этиш ва мавжуд токзорларнинг фитосанитар ҳолатини тубдан яхшилаш тақозо этилади.

Бугунги кунда дунёнинг ялпи узум ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларини эгаллаб келаётган Хитой, Италия, АҚШ ва Франция каби давлатларда саноат токзорлари барпо қилиш учун вируслардан ҳоли соғломлаштирилган, юқори маҳсулдор, филлоксерага бардошли сертификатланган кўчатларини етказиб бериш долзарб вазифа ҳисобланади. Қатор давлатларда бундай кўчатлар ханузгача саноат токзорларидан олинган қаламчалардан етиштирилган сифатсиз кўчатлар ҳисобига қондирилмоқда. Бундай кўчатлар билан барпо қилинган токзорлар ҳамма вақт ҳам юқори ва барқарор ҳосил олиш имконини беравермайди. Шу боис, соғломлаштирилган ток кўчатлари етиштириш имконини берувчи соғлом она токзорлар барпо этиш, бирламчи экиш материали – қаламчалар тайёрланадиган она токзорларнинг фитосанитар ҳолатини яхшилаш, биотехнологик усулда *in vitro* шароитида кўчат олиш, шунингдек ноёб ва қимматли ток навларини кўпайтиришнинг интенсиф технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимида узумчиликни ривожлантириш ва унинг юқори сифатли кўчат берувчи плантацияларини барпо этиш ва кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мавжуд саноат токзорлари майдонларидан оқилона фойдаланиш, кишмишбоп, хўраки ва техник ток новларининг экин майдонларини кенгайтириш ва экспортни кўзда тутувчи жаҳон стандартларига мос маҳсулотлар етиштиришга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «... қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш» муҳим стратегик вазифалардан

<sup>1</sup> <http://statinformation.ru/sel/vinograd.html>; <http://landlord.ua/10-krupneyshih-v-mire-proizvoditeley-vina/>

бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Бу борада ток ўсимликларини морфо-биологик ва хўжалик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, сертификатланган кўчатлар етиштиришни таъминловчи технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш илмий-тадқиқот ишлар кўламини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Фитосанитар ҳолати яхшиланган она токзорларни барпо этиш асосида соғлом қаламчалар тайёрлаш, ноёб ва қимматли ток навларини пархишлаш ва яшил қаламчалаш усулларида кўпайтиришнинг интенсив технологияларини ишлаб чиқиш, шунингдек биотехнологик усулда *in vitro* шароитида сертификатланган кўчат етиштириш қишлоқ хўжалиги учун долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 мартдаги «Республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1937-сон қарори, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш банди ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Она токзорларнинг фитосанитар ҳолатини яхшилаш, токнинг вирусли ва замбуруғли касалликларига ҳамда ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамли навларни яратиш, вируссиз ток кўчатлари ишлаб чиқариш, ток ўсимлигининг сув ҳамда озикланиш тартиботларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар дунёдаги кўплаб нуфузли илмий марказлар ва таълим муассасаларида, хусусан, Washington State University ва University of California (АҚШ) Agricultural University of Plovdiv (Болгария), Bavarian State Institute for Viticulture and Horticulture (Германия), Institute of Viticulture, Floriculture and Vegetable Corps of Heraklion (Греция), Шимолий Кавказ боғдорчилик ва узумчилик минтақавий ИТИ, Бутунроссия узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (Россия)<sup>2</sup>, М.М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ушбу ўтказилган тадқиқотлар натижасида Бутунроссия узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида ток кўчатларини яшил қаламчалаш ва ёғочлашган қаламчасидан жадал кўпайтириш технологиялари яратилган (Шимолий Кавказ боғдорчилик ва узумчилик минтақавий ИТИ); биотехнологик усулда *in vitro* шароитида ток кўчатлари етиштириш учун энг мақбул озуқа

<sup>2</sup><http://wine.wsu.edu/extension/grapes-vineyards>, <https://www.researchgate.net>, <http://www.lwg.bayern.de/bienen/>, <http://www.nagref-her.gr/en>, <http://rusvine.ru/>

мухитлари таркиби ишлаб чиқилган (University of California); озуқа муҳити таркибига кўшилувчи вирусларга қарши антиоксидант фаолликка эга моддалар татбиқ этилган (Manipal University);, вируссиз ток кўчатларини етиштириш ва уларни тезкор кўпайтиришнинг самарали тизими ишлаб чиқилган (Bavarian State Institute for Viticulture and Horticulture, Institute of Viticulture, Floriculture and Vegetable Corps of Heraklion).

Дунё узумчилиги соҳасида қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: саноат токзорларини фитологик ҳолатини яхшилаш чораларини аниқлаш, қимматли ва ноёб ток навларини яшил қаламчалаш усулида кўпая олиш хусусиятини тадқиқ қилиш; вирусли, замбуруғли касалликларга ҳамда филлоксерага чидамли навларни яратиш, биотехнологик усулда *in vitro* шароитида ток кўчатларини микроклонал кўпайтириш учун энг мақбул озуқа мухитлари таркибини аниқлаш, сертификатланган ток кўчатларини она плантацияларда вертикал ва горизонтал пархишлаш усулларида кўпайтириш ва ҳ.к.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ток кўчатларини яшил ва ёғочлашган қаламчаларидан жадал кўпайтириш технологияларини такомиллаштириш, токнинг соғломлаштирилган кўчатларини етиштириш ва уларни микроқаламчалаш усулида кўпайтириш учун энг мақбул озуқа мухитлари таркибини ишлаб чиқиш бўйича АҚШ, Германия, Туркия, Ҳиндистон, Россия ва бошқа мамлакатларда Debora Golino, Balo E., Prilesrhy G., Cansellier S., Cossio F., Galzy H., Comran D., Л.В.Кравченко каби олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бунинг натижасида ток кўчатларини пархишлаш йўли билан тезкор ишлаб чиқариш усули, ток кўчатларини биотехнологик усулда *in vitro* шароитида микроқаламчалаб кўпайтириш учун самарали озуқа мухитлари, ток кўчатларини яшил ва ёғочлашган қаламчаларидан жадал кўпайтириш технологиялари ҳамда тизимлари ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда ток кўчатларини турли усулларда кўпайтириш, токзорларнинг маҳсулдорлигини оширишга оид илмий-тадқиқотлар А.А.Рыбаков, М.М.Мирзаев, С.А.Остроухова, К.И.Байметов ва А.Ш.Арзуманов каби олимлар томонидан олиб борилган. Таъкидлаш жоизки, республикада ток кўчатларини *in vitro* усулида микроқаламчалаш, унинг учун мақбул сунъий озуқа мухитлари таркибини аниқлаш, қимматли ва ноёб ток навлари кўчатларини тезкор кўпайтириш усулларини ва токзорларнинг фитосанитар ҳолатини яхшилаш чораларини ишлаб чиқиш ва юқори сифатли сертификатланган кўчатларни етиштириш бўйича олиб борилган илмий изланишларнинг ҳажми жуда кичик, бу йўналишда чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг №7 – «Узум ва сабзаёт экинларидан юқори ҳосил етиштириш» давлат илмий-техник дастури ҳамда КХАЁ-9-09 «Амалий селекцияда фойдаланиш мақсадида мевали экинлар генофондини

<sup>3</sup> <http://rusvine.ru/>, <http://www.westernfarmpress.com/grape-leafroll-virus-increasingly-problem-california-vineyards-0>, <http://earthpapers.net/sistema-proizvodstva-posadochnogo-materiala-vinograda-vysshih-kategoriy-kachestva>

маҳаллий навлар билан бойитиш» (2010-2011 й.й.), ҚХАЁ-8-060 «Узумни навлараро чатиштирилган дурагайларини агробиологик хусусиятларини ўрганиш асосида истиқболли навларни танлаш» (2015-2017 й.й.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** токнинг янги, фитосанитар ҳолати яхшиланган таянч она токзорларини яратиш ва соғломлаштирилган, юқори сифатли, сертификатланган кўчатларни жадал кўпайтириш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фитосанитар ҳолати яхшиланган она токзор барпо этиш заруриятини асослаш;

юқори сифатли кўчат етиштиришга мўлжалланган она токзорлар барпо этиш методологиясини ишлаб чиқиш;

ток кўчатларини вертикал ва горизонтал пархишлаш йўли билан кўпайтиришнинг самарали усулларини аниқлаш;

ток кўчатларини ёғочлашган қаламчалардан кўпайтиришда илдиз регенерацияси жараёнларини баҳолаш;

юқори сифатли ток кўчатларини яшил қаламчалардан етиштириш усулини такомиллаштириш;

токнинг биотехнологик усулда *in vitro* шароитида соғломлаштирилган кўчатларини олиш усулларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида узумнинг районлаштирилган ва истиқболли кишмишбоп навлар: Кишмиш черный, Кишмиш белый овальный, Кишмиш Согдиана, Кишмиш розовый, Кишмиш ВИРа, Кишмиш Ботир, Кишмиш мраморный, Кишмиш Зерафшан, Кишмиш Хишрау ва Кишмиш Иртишар; хўраки навлар: Тайфи розовый ва Ризамат; техник навлар: Саперави ва Баян Ширей олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ток навларининг ҳар хил даражада пишган новдалари, ток касалликлари, ўстириш шароитлари, озуқа элементлари ва субстратлар, ўстирувчи моддалар, *in vitro* культураси, сунъий озуқа муҳитлари ва таркиби ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, ток кўчатларини яшил қаламчалаш ва пархишлаш усулларида етиштириш, кўчатларни парваришлаш, стандарт кўчат чиқишни ҳисоблаш ва баҳолаш «Узум кўчатлари ва қаламчалари. Умумий техникавий шартлар» (O'zDSt 1191-2009) ва Х.Буриев ва бошқаларнинг «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси», В.Ф.Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами» номли услубий кўрсатмаси, талаблари асосида бажарилди. Соғломлаштирилган ток кўчатларини микроқаламчалаш усулида етиштириш В.А. Зленко, У. Котиков, ток ўсимлигидаги касалликларни аниқлаш И.И. Минкевичнинг «Методика выявления и учета болезней плодовых и ягодных культур» номли услуби кўрсатмаси асосида амалга оширилди. Дала тажрибаларида олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.А. Доспехов услуби бўйича ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда фитосанитар ҳолати яхшиланган она тоқзорлар барпо этиш заруриги аниқланган;

юқори сифатли сертификатланган кўчатчиликка мўлжалланган она тоқзорлар яратиш технологияси ишлаб чиқилган;

ҳимояланган ва очиқ ер шароитларида тоқ кўчатларини вертикал ва горизонтал пархишлаш йўли билан кўпайтиришнинг самарали усули ишлаб чиқилган;

ёғочлашган қаламчаларда илдиз олиш жараёнлари жадаллигининг кўшимча озуқа (биогумус) беришга боғлиқлиги аниқланган;

тоқ яшил қаламчаларида илдиз тизими регенерациясининг қаламчаларни тайёрлаш муддати ( $r=0,87$ ) ва сунъий субстратларга экиш схемасига ( $r=0,85$ ) ўзаро боғлиқлик даражаси (корреляция) исботланган;

соғломлаштирилган тоқ кўчатларини биотехнологик усулда *in vitro* шароитида ўстириш учун эксплантларни олиш тартиби, муддати ва озуқа муҳитларидан фойдаланиш самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юқори маҳсулдор она тоқзорларни барпо қилиш ва бундай тоқзорлар асосида юқори сифатли сертификатланган кўчатлар етиштиришнинг янги методологик тизими ишлаб чиқилган;

узумнинг янги қимматли навларининг олий сифатли кўчатларини тезкор кўпайтириш имконини берувчи ҳимояланган ва очиқ майдонда клон она тоқзорлар барпо этиш технологияси ишлаб чиқилган, бу эса учинчи йилдан бошлаб гектарига қарийб 133,3 минг дона яшил ва 613,3 минг дона уч куртак қолдирилган ёғочлашган қаламча тайёрлаш мумкинлиги исботланган;

тоқ она тупларини вертикал ва горизонтал пархишлаш асосида кўчатларни тезкор кўпайтириш имконини берувчи клон кўчат етиштириш технологияси ишлаб чиқилган. Бундай она тоқзорлар гектарига 123,1 мингдан 169,9 минг донагача, яъни умумқабул қилинган технология бўйича ёғочлашган қаламчадан кўчат етиштириш услубига нисбатан 1,9-2,7 марта кўпроқ экиш материали олиш имкони яратилган;

кўчатзорнинг майдон бирлигидан 5-6 ойда 600-800 минг донагача стандарт кўчат олиш имконини берувчи микроклими бошқариладиган маҳсус иншоотларда тоқ кўчатларини яшил қаламчалардан кўпайтиришнинг янги технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ҳар йили лаборатория ва дала тажрибаларининг апробациядан ўтказилганлиги; илмий ҳисоботларнинг кафедра ва университет илмий кенгашларида муҳокама қилинганлиги; тажриба натижалари маълумотлари математик ва статистик таҳлил қилинганлиги, янги технологик ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижаларининг республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, нав гувоҳномаси олинганлиги, диссертация ишининг асосий илмий натижалари асосида ОАК рўйхатига кирган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти интенсив она токзорлар барпо этишнинг мажмуавий методологияси ишлаб чиқилганлиги, вертикал ва горизонтал пархишлаш усулида токнинг клон кўчатларини йил бўйи етиштириш учун ҳимояланган жойда она токзорлар барпо этишнинг самаралилиги аниқланганлиги, микроклими бошқариладиган иншоотларда сунъий субстратлардан фойдаланган ҳолда ток кўчатларини тезкор кўпайтириш технологияси, шунингдек биотехнологик усулда *in vitro* шароитида вируслардан холи олий сифатли, соғломлаштирилган ток кўчатларини олиш усулининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқаришнинг технологик доирасига олий сифатли ток кўчатларини ишлаб чиқариш имконини берувчи таянч ва сертификатланган турдаги она токзорларни ҳимояланган ва очиқ ерда барпо этиш усулининг татбиқ этилганлиги, ток кўчатларини ёғочлашган қаламчадан етиштириш технологик картасини ишлаб чиқилганлиги; горизонтал ва вертикал пархишлаш ҳамда биогурусдан фойдаланган ҳолда ток кўчатларини тезкор етиштириш усуллариининг, вирусли инфекциялардан холи ва сертификатланган ток кўчатларини микроклими бошқариладиган махсус иншоотларда сунъий субстратларда яшил қаламчадан ҳамда биотехнологик усулда *in vitro* шароитида етиштиришнинг амалий исботланганлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда юқори сифатли узум кўчатини жадал ишлаб чиқариш технологиясининг илмий ва амалий асослари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Ток кўчатларини яшил қаламчасидан етиштириш» тавсияномаси ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 февралдаги 02/22-123-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

биогурус субстратидан фойдаланган ҳолда очиқ ерда ток кўчатларини тезкор етиштириш бўйича технологик ишланма Паркент туманидаги «Норчонтол» фермер хўжалигида 0,6 га, «Шомахмуд Назира» фермер хўжалигида 0,2 га, «Гулбоғ Ўтабоев Ўктам» фермер хўжалигида 0,2 га, «Сардор» фермер хўжалигида 0,3 га, «Иноқов Ақром» фермер хўжалигида 0,2 га, Бўстонлиқ туманидаги «Муштарий Малика Камрон» фермер хўжалигида 0,2 га, жами 1,1 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 февралдаги 02/22-123-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектарига 52083 дона сертификатланган ток кўчати чиқишига эришилган, иқтисодий самарадорлиги гектарига ўртача 78489,166 минг сўмни ташкил этган;

очиқ ер шароитларида ток кўчатларини вертикал ва горизонтал пархишлаш йўли билан тезкор кўпайтириш технологияси Паркент туманидаги «Мадр ота» фермер хўжалигида 0,2 га, «Мирпўлат» фермер хўжалигида 0,2 га, «Норчонтол» фермер хўжалигида 0,2 га, «Иноқов Ақром» фермер хўжалигида 0,3 га, Бўстонлиқ туманидаги «Фарход дўстлик агро» фермер хўжалигида 0,2 га, «Абдурахим ва Рухсатгул» фермер хўжалигида 0,15 га, жами 1,25 га

майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 февралдаги 02/22-123-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектарига 78987 дона сертификатланган ток кўчати чиқишига эришилган, иқтисодий самарадорлиги гектарига ўртача 95186,114 минг сўмни ташкил этган;

саноат токзорлари фитосанитар ҳолатининг стандарт кўчатлар чиқишига таъсири ишланмаси Паркент туманидаги «Гулбоғ Ўтабоев Ўктам» фермер хўжалигида 0,3 га, «Шомахмуд Назира» фермер хўжалигида 0,3 га, Бўстонлик туманидаги «Фарход дўстлик агро» фермер хўжалигида 0,3 га, «Муштарий Малика Камрон» фермер хўжалигида 0,4 га, жами 1,4 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 февралдаги 02/22-123-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектарига 393450 дона ёғочлашган стандарт қаламчалар чиқишига эришилган, иқтисодий самарадорлиги гектарига ўртача 65828,75 минг сўмни ташкил этган;

очиқ ер шароитларида кўчатларни тезкор кўпайтириш учун токнинг клон она кўчатзорларини барпо этиш ишланмаси Паркент туманидаги «Мадр ота» фермер хўжалигида 0,2 га, «Норчонтол» фермер хўжалигида 0,3 га, жами 0,4 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 февралдаги 02/22-123-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида йилига гектаридан 417500 донагача стандарт қаламчалар (экиш материали) чиқишига эришилган, иқтисодий самарадорлиги гектарига ўртача 88500,0 минг сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация доирасидаги илмий ишланмалар йиллик ва якуний ҳисоботлар шаклида ҳар йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ва Тошкент давлат аграр университети апробация комиссиялари томонидан апробациядан ўтказилган. Йиллик ҳисоботлар Тошкент давлат аграр университети илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация доирасида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари 8 марта республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Шунингдек тадқиқот натижалари “Аграр фани ва таълими: долзарб муаммолари, ривожланиш истиқболлари” (Тошкент, 2004) мавзусидаги, «Қадрлар тайёрлаш тизимида-аграр таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси» (Тошкент, 2006) мавзусидаги, «Российская наука в современном мире» (Москва, 2018) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 2 та монография ва 1 та тавсиянома ҳамда 4 та услубий қўлланма чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.


Диссертациянинг **«Ток кўчатчилигининг илмий-амалий асослари ва ривожланиш истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзу доирасида олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий нашрлари шарҳланган. Бинобарин, токни вегетатив усулда кўпайтиришнинг замонавий услублари, ток кўчатларини ҳимояланган жой шароитларида етиштириш технологиялари, сертификатланган ток кўчатларини етиштиришда сунъий субстратлардан фойдаланиш, соғломлаштирилган ток кўчатларини биотехнологик усулда *in vitro* шароитида кўпайтиришнинг илмий асослари юзасидан адабий маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотни ўтказиш шароити, мақсади, объекти, дастури ва услуби»** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Бобнинг «Тадқиқот мақсади, вазифаси, объектлари ва услублари» бўлимида дала ва лаборатория тажрибаларини олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, тажриба маълумотларига камерал ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Интенсив таянч она токзорлар барпо этишни илмий асослаш»** деб номланган учинчи бобида республикамизда фитосанитар ҳолати яхшиланган, хавfli касалликлардан ҳоли соғлом, юқори сифатли экиш материали олиш имконини берувчи махсус она токзорлар барпо этишнинг зарурлиги илмий асосланган. Хусусан, ушбу бобнинг «Саноат токзорлари фитосанитар ҳолатининг стандарт кўчатлар чиқиши ва сифатига таъсири» деб номланган бўлимида умумқабул қилинган услубда саноат токзорларидан ёғочлашган қаламча тайёрлаб кўчат етиштиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тажрибалар билан исбот қилинган. Бунда саноат токзорларида апробация ўтказиб қаламча олиш, энг муҳими, махсус токзорлардан апробация ва вирусологик таҳлил ўтказиб қаламчалар тайёрлаш уларнинг тутувчанлиги ва соғломлик даражасини ошириши тажрибаларда кузатилган.

Кўчат етиштиришда қаламчаларни фитосанитар текширувдан ўтказилган

соғлом она туплардан олишда, ҳам умумий етиштирилган кўчатлар миқдори, ҳам улардаги стандарт кўчатлар улушининг ошиши тенденциясига эга бўлади. Бинобарин, оддий саноат токзорларидан тайёрлаб олинган жами 71428 дона қаламчалардан тутган 42856 дона кўчатдан стандарт талабларига жавоб берувчи юқори сифатлилари 24042 бўлса, у ҳолда айнан шу токзорда соғлом (апробация ўтказилган) она туплардан тайёрланган қаламчалардан 46428 дона кўчат чиқиши ва уларда касалликлардан ҳоли соғлом стандарт кўчатлар миқдорини 29574 донагача етказиш мумкинлиги тажрибаларимизда кузатилди (1-расм).



**1-расм. Ток она тупларининг фитосанитар ҳолатига боғлиқ равишда тайёрланган қаламчалардан стандарт кўчат чиқиши**

Махсус она токзорлардан олинган қаламчалардан эса соғлом кўчат чиқиши янада юқори бўлиб, у апробация ўтказилган туп қаламчаларидан 45313, вирусологик таҳлил ўтказилган туплардан эса 56549 дона соғлом кўчат олиш имконини берди.

«Токнинг жадаллаштирилган она кўчатзорларини барпо этиш» бўлимида кўп миқдорда юқори сифатли қаламча олишга мўлжалланган жадал она токзорлар барпо этиш методологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот олиб борилди. Она токзорлар барпо қилишнинг асосий мақсади касалликлардан ҳоли сифатли экув материали (қаламча) етиштиришдир. Бундай она токзорларни очиқ ва ҳимояланган ерларда барпо этиш тажрибада қиёсий баҳоланди.

Вегетация даври сўнггида пишган новдалар миқдорини ҳисоб қилиш шуни кўрсатдики, очиқ ерга ўсувдаги кўчатлар билан экилган она тупларда назорат вариантыдагига нисбатан 5-11% га кўпроқ пишган новда олиш имконини берди. Плёнкали ҳимояланган ерларда ўсувдаги кўчатлар билан она кўчатзор яратиш янада юқорироқ натижа олиш имконини берди. Бунда она туплардаги новдаларнинг пишшиш даражаси назорат вариантыга нисбатан 6-13% кўпроқ бўлди. Плёнкали ҳимояланган ерларда пишган новдаларнинг кўп чиқишини уларда ривожланишнинг анча барвақт ва интенсив бошланганлиги билан тушунтирилади. Она кўчатзорларни ҳимояланган ерларда барпо қилиш

улардан учинчи йилдан бошлаб кўп миқдорда яшил ва стандарт ёғочлашган қаламча олиш имконини берди. Бундай она кўчатзорлар учинчи йилдан бошлаб экув материали бера бошлайди ва бунда гектарига 42-56 минг дона яшил ва 76-98 минг донагача ёғочлашган соғлом қаламча олиш имконини беради.

Диссертациянинг «Ток кўчатларини яшил ва ёғочлашган қаламчаларидан етиштириш» деб номланган тўртинчи бобида ток кўчатларини умумқабул қилинган ёғочлашган қаламчадан етиштириш усулини такомиллаштириш, уларни пархишлаш йўллари билан тезкор кўпайтириш, шунингдек сертификатланган кўчатларни яшил қаламчадан етиштириш усулини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.


Жумладан, ушбу бобнинг «Ток кўчатларини вертикал ва горизонтал пархишлаш йўли билан тезкор кўпайтириш» бўлимида ҳимояланган ерда ва очиқ ерда барпо этилган она ток тупларини вертикал ва горизонтал пархишлаш усулида кўчат етиштириш ўрганилган.

Қаламчалари қийин илдиз олувчи айрим навларни ариқчаларда, эгатларда ва оддий йўл билан пархишлаб осон кўпайтириш мумкин. Вертикал пархишлаш йўли билан навдор ток кўчатларини олиш учун иккинчи йил вегетацияси якуни ва навбатдаги йил бошида (феврал) она туплардаги барча бир йиллик новдалар 3-4 куртак қолдириб кесиб ташланади. Улардан ўсиб чиққан янги новдалар 15-20 см га етгач (май ойида), учки томонидаги 2-3 барглар қолдирилган ҳолда она кўчатзор қатор ораларидаги тупроқ билан оқучка қилинади ва бунда учки 2 барг чилпиб қўйилади. Новдалар яна 10-15 см ўсгач, юқоридаги технологик тадбир иккинчи марта такрорий ўтказилади.

Кўчатларни горизонтал пархишлаш йўли билан етиштириш учун она туплар атрофида қатор бўйлаб 20-25 см чуқурликда ариқлар қазиб чиқилади. Тупнинг ички томонида жойлашган новдалар ушбу ариқчага ётқизилади ва тупроқ билан шундай кўмиладики, унинг ҳар бир бўғимида ривожланган новда тупроқ юзасида қолиши лозим (2-расм).



а)



б)

**2-расм. Ток новдаларини горизонтал пархишлаш тартиби: новданинг пархишладан аввалги (а) ва кейинги (б) кўриниши**

Ток кўчатларидан сертификатланган қаламчаларни жадал олиш учун ҳимояланган ва очиқ ер шароитларида барпо этилган она тоқзорларни вертикал ва горизонтал пархишлаш усулидан фойдаланиш шу йилнинг ўзида тайёр кўчат олиш имконини беради. Бунда, вертикал пархишлаш усулида етиштирилганда гектаридан ҳимояланган ер шароитларида 133,8 минг, горизонтал пархишланганда эса 169,9 минг донагача, очиқ ерда эса мос ҳолда 115,0 минг ва 123,1 минг донагача стандарт кўчат олиш имконияти юзага келади. Бу эса умумқабул қилинган ёғочлашган қаламчадан кўчат етиштиришга нисбатан қарийб 2-2,5 баробар кўпроқ демакдир (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Ток пархишларини етиштириш шароитлари ва усулларининг Кишмиш черный нави кўчат чиқишига таъсири, 2014-2017 йиллар

Кўрсаткичлар	Ҳимояланган ер		Очиқ ер		Sx <sub>05</sub>
	вертикал пархиш	горизонтал пархиш	вертикал пархиш	горизонтал пархиш	
Марказий новда узунлиги, см	69,9	54,4	39,5	32,7	3,2
Ўсимликдаги барглари сони, дона	12,0	10,0	8,0	6,0	1,3
I тартиб илдизлар сони, дона	4,0	3,0	3,0	3,0	0,5
II тартиб илдизлар сони, дона	8,0	7,0	5,0	5,0	0,4
I тартиб илдизлар узунлиги, см	26,0	23,0	22,0	21,0	0,6
II тартиб илдизлар узунлиги, см	15,0	13,0	13,0	11,0	0,8
Илдизларнинг умумий вазни, гр.	99,7	90,3	75,7	75,5	1,1
Новданинг етилиш даражаси, %	95,3	93,2	87,8	86,3	1,7
Шартли илдиз бўғизининг диаметри, мм	8,0	7,0	7,0	7,0	0,4
Кўчат чиқиши, дона/га	153320	199980	134234	149440	1297
Стандарт кўчат чиқиши, дона/га	133848	169983	115038	123138	839


Диссертациянинг «Ток кўчатларини тезкор етиштиришда биогумус субстратидан фойдаланишнинг самарадорлиги» деб номланган бўлимида умумқабул қилинган усулда ёғочлашган қаламчадан кўчат етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бунда ўтказилган қаламчаларнинг ризогенез жараёнларини жадаллаштириш учун турли меъёрларда биогумус қўллаш самарадорлиги қиёсланган.

Ўтказилган тадқиқотлар биогумус солинган вариантларда назоратга нисбатан ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида устунлик намоен бўлганлигини аниқлаш имконини берди. Биогумус солинган ўсимликларда новдалар ва баргларининг шаклланишида муайян тафовут кузатилди. Биогумус билан ўғитланган ўсимликларнинг ўсиш кучи бутун ўсув даври мобайнида назорат ўсимликларининг худди шу кўрсаткичларига нисбатан тегишлича юқори бўлган бўлсада, унинг энг мақбул кўрсаткичлари ушбу қўшимча озукани 3 кг миқдорида берилган вариантда қайд этилди.

Ток кўчатларида илдиз тизими энг пастки ярус ҳамда энг пастки бўғимда яхши ривожланди, бунда биогумус қўлланилган вариантлардаги ўсимликларда ривожланган илдизларнинг миқдори кишмишбоп навларда (Кишмиш черный)

10,3-12,9, хўраки навларда (Тайфи розовый) 11,1-12,5 дона ва шароббоп навларда (Саперави) 9,9-11,5 ва уларнинг умумий узунлиги эса мос ҳолда 45,6-68,1; 48,9-68,3 ва 45,5-62,2 см оралиғида ўзгарди. Бунда илдизларнинг энг мақбул регенерацияси ҳар бир метр узунликка 3 кг биогумус солинган ўсимликларда қайд этилди. Гарчи биогумус миқдорини 4-5 кг гача оширилганда илдиз регенерацияси назоратга нисбатан энг юқори бўлса ҳам, 3 кг биогумус солинган вариантларга нисбатан сезиларсиз фарқи кўшимча озиклантиришнинг бу қадар оширишга эҳтиёж йўқлигини кўрсатди.

Биогумус қўлланилгандаги қулай озуқа тартиботи кўчатларнинг ҳам ер устки қисми, ҳам илдиз тизимининг жадал ривожланишини таъминлагани ҳолда, улардан юқори сифатли кўчатлар чиқиш миқдорини оширди. Бунда стандарт кўчатларнинг энг юқори чиқиши биогумус қўлланилган вариантлардаги Кишмиш черный навида 60,1-67,9 минг, Тайфи розовый навида 60,6-67,7 минг дона/га ва Саперави навида 60,7-67,2 минггача ўзгарди (3-расм).



**3-расм. Ток кўчатларини ёғочлашган қаламчадан етиштиришда кўчат чиқишига қўлланилган биогумус миқдорининг таъсири**

«Токнинг ёғочлашган қаламчалари ва ёш кўчатларида асосий озуқа моддаларининг тўпланиш динамикаси» бўлимида умумқабул қилинган усулда кўчат етиштиришда қўлланиладиган ёғочлашган қаламчаларнинг сифат кўрсаткичларини шаклланиш динамикаси ўрганилган.

Ёғочлашган қаламчалар тупроққа ўтказилганидан сўнг янги шаклланган ёш баргларда асосий озикланиш элементларининг камайиши тенденцияси кузатилди. Бундай қонуният қаламчалар тупроққа ўтказилгандан кейинги 40-50 кунгача давом этди.

Бизнинг фикримизча, ушбу даврда ёғочлашган қаламчаларда илдиз тизими ҳали шаклланмаганлиги бунинг асосий сабабчисидир. Бунга боғлиқ равишда новданинг уйқудаги куртагидан ривожланаётган барглар минерал озуқа моддаларни қаламчадан ўзлаштирди. Ушбу даврда баргларга келаётган асосий озуқа моддалар миқдори мунтазам камайиб бориш тенденциясига эга бўлди.

Токнинг ёғочлашган қаламчаларидан ўтказилгандан сўнг 40-50 кун ўтгач

автотроф озикланишга ўтди, бу даврда улар новдада тўпланган захира озука моддалар ҳисобига яшайди.

Шу боис она ток ўсимликларини вегетация даврида етарли даражада озука билан таъминлаш яшил новдаларда 0,68% азот; 0,54% калий ва 1,80% фосфор тўпланишига олиб келади, бу эса ўсимликнинг кейинги ривождаги регенерация жараёнларини жадаллаштириш учун етарли ҳисобланади.

Диссертациянинг «Ток қаламчаларининг илдиз олувчанлигига микроиклим омилларининг таъсири» деб номланган бўлимида ток кўчатларини очик ерда ёғочлашган қаламчадан ва махсус иншоотларда яшил қаламчадан етиштириш усулларида тупроқ ва ҳавонинг ҳарорат ва намлик тартиблари, шунингдек ёруғлик омилларининг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда ток ўсимлиги асосан ёғочлашган қаламчадан кўпайтирилади. Ушбу кўпайтириш усули кўчатзорнинг фойдаланиладиган майдон бирлигидан 45-50% стандарт кўчатлар чиқишини таъминлайди. Яхши ривожланмаган кўчатларни келгуси йилда алоҳида майдонда етилтириб олишга тўғри келади, бу эса ишлаб чиқариш харажатларининг бирқанча ортиб кетишига олиб келади. Ер майдонидан янада самаралироқ фойдаланиш, кўчат етиштириш билан шуғулланувчи кўчатчилик хўжаликларининг рентабеллигини ошириш учун хорижий давлатларда ва республикамизда ток кўчатларини жадал етиштиришнинг янги усуллари, хусусан уни яшил қаламчасидан кўпайтириш ишлаб чиқилмоқда ва татбиқ этилмоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ушбу технология бўйича ток кўчатларини етиштириш умумий кўчат чиқишини 1,5-1,7 млн. дона/га. гача етказиш имконини беради.

Анъанавий усулда кўчат етиштириладиган очик ер шароитларида тупроқнинг юза қатламидаги ҳарорат апрель-май ойларида +11,0-14,1 °С дан ошмайди, бу эса ёғочлашган ток қаламчаларида ризогенезнинг бошланиши учун етарли бўлмай, у фақатгина июн ойида юзага келади, бу даврда тупроқнинг 20 см чуқурлигидаги ҳарорати +19,0 °С гача кўтарилади. Микроиклими махсус иншоотда сунъий субстратда етиштирилганда эса улар +23,9 дан 25,8 °С гача бўлган ойлик ўртача ҳароратда ривожланади, бу эса очик майдондаги ҳароратдан 5,6-7,5 °С га юқори бўлиб, кўчатлар уч ойлик етиштириш даврида 151-264 °С га кўпроқ фаол ҳарорат йиғиндисини олади. Чунки махсус иншоотда қулай вертикал ҳарорат градиенти (7,5-8,1 °С) нам субстратнинг кундузги ва тунги юқори ҳарорат сифими ҳамда иссиқлик ўтказувчанлиги ҳисобига таъминланади.

Диссертациянинг «Ток кўчатларини яшил қаламчаларидан кўпайтиришда сунъий субстратларни қўллаш» деб номланган бўлимида яшил қаламчалар илдиз олдириладиган турли субстратларнинг кимёвий таркиби ўрганилган ва бу субстратлардан энг мақбули, озукага бой бўлган қум+чиринди аралашмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган (2-жадвал).

Ушбу субстрат аралашмасида яшил қаламчаларнинг илдиз олувчанлиги Кишмиш черный навида 99%, Тайфи розовый ва Саперави навларида эса 91,0-91,8% кўрсаткичга эга бўлди.

Кўчатларда ер устки қисмининг ривожланиши уларда илдиз тизимининг умумий ривожланишига корреляцион боғлиқликда бўлди.

**Ток яшил қаламчаларининг илдиз олувчанлиги ва илдиз тизимининг ривожланишига қўлланилган субстрат турларининг таъсири, 2008-2014 й.й.**

Субстрат	Қаламчалар-нинг илдиз олувчанлиги, %	Илдизининг шохланиш тартиби	Биринчи тартиб илдизлар		Илдиз тизими-нинг ҳажми, см <sup>3</sup>
			сони, дона	умумий узунлиги, см	
<b>Кишмиш Черный нави</b>					
Дарё куми – назорат	82,3 ± 6,21	2,8	16,8	279,7	8,5
Қум + чиринди, 1:3	99,0 ± 3,42	3,5	24,3	391,2	14,8
Қум + тахта қиринди, 1:2	96,8 ± 2,16	3,4	23,5	365,4	14,3
Қум + шоли кепаги, 1:3	94,2 ± 0,6	3,2	21,2	331,8	13,7
<b>Саперави нави</b>					
Дарё куми – назорат	79,4 ± 3,35	2,4	14,3	268,5	7,9
Қум + чиринди, 1:3	91,0 ± 2,22	3,1	21,2	375,1	14,1
Қум + тахта қиринди, 1:2	89,7 ± 2,13	3,0	19,6	342,6	13,4
Қум + шоли кепаги, 1:3	85,8 ± 1,2	2,7	18,5	321,7	12,9
<b>Тайфи Розовый нави</b>					
Дарё куми – назорат	79,9 ± 2,95	2,5	14,9	270,8	7,8
Қум + чиринди, 1:3	91,8 ± 3,10	3,0	21,8	378,3	13,1
Қум + тахта қиринди, 1:2	90,3 ± 1,79	2,9	20,4	349,1	13,9
Қум + шоли кепаги, 1:3	84,9 ± 1,0	2,8	19,1	326,2	12,8
ЭКФ <sub>05</sub>	1,3	0,1	1,1	8,2	0,5

Кишмиш Черный навида кўчатларнинг энг баланд бўйли бўлиб ўсиши (126,5 ва 109,9 см) ва яхши шохланиши чириндининг қум билан 1:3 ва тахта қириндиси билан 1:2 нисбатдаги аралашмасидан иборат субстратларга ўтказилган қаламчаларда қайд этилди. Ушбу тажриба варианты ўсимликларида умумий сатҳи 1312,1 ва 1052,6 см<sup>2</sup> бўлган барг аппарати шаклланди.

Кишмиш черный ва Тайфи розовый навлари яшил қаламчаларидан ривожланган кўчатларнинг Саперави нави кўрсаткичларидан бирмунча юқорироқ бўлганлигини ушбу нав туркумларининг биологик хусусияти билан тушунтирилади.

Диссертациянинг «Ток яшил қаламчаларининг илдиз олиши, ўсиши ва ривожланишини қаламчалаш муддатларига боғлиқлиги» бўлимида токнинг яшил қаламчаларида ризогенез жараёнининг жадаллиги ва сифатига қаламчаланадиган яшил новдани тайёрлаш муддатининг таъсири тадқиқ қилинган. Ток қаламчаларининг илдиз олувчанлиги уларни эрта тайёрлашдан кечкисига томон пасайиши тенденциясига эга бўлди. Ўтказилган яшил қаламчаларнинг илдиз олувчанлиги биринчи муддатга нисбатан иккинчисида 10% га пасайган бўлса, у ҳолда кейинги муддатларда камайиш 14% га етди ва илдиз олувчанлик 83% ни ташкил этди (3-жадвал).

Токнинг яшил қаламчаларини тайёрлаш муддати уларнинг илдиз олувчанлигига боғлиқ бўлди (корреляция даражаси  $r=0,87$ ).

**Ток қаламчаларини субстратга ўтқазиб муддатига боғлиқ равишда  
кўчатларнинг ривожланиш динамикаси, 2008-2014 йиллар**


Қаламчаларни экиш санаси	Қаламчалар экилган кундан, кунлар				Қаламчаларнинг илдиз олувчанлиги, %
	каллус ҳосил бўлиши бошлангунча	илдиз ҳосил бўлиши бошлангунча	ялли илдиз ҳосил бўлгунча	новдалар ўса бошлагунча	
Кишмиш Черный нави					
25.05	7	12	18	20	97,3
10.06	6	12	17	20	87,0
25.06	6	10	16	22	83,5
10.07	6	10	14	22	83,0
Саперави нави					
25.05	7	13	19	21	91,2
10.06	7	13	18	20	84,4
25.06	7	11	16	21	80,1
10.07	7	10	15	23	81,7
Тайфи Розовый нави					
25.05	7	13	18	21	90,8
10.06	6	12	17	20	83,1
25.06	6	11	16	22	80,0
